



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 9 » mart

№ 107

Toshkent sh.

Давлат иштирокидаги корхоналар томонидан ташқи қарзларни жалб қилиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Давлат унитар корхоналари ва устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари, шунингдек, устав капиталининг 50 фоизи ва ундан ортиқ миқдорда давлат улушкига эга юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахслар томонидан ташқи қарзларни жалб қилишни тартибга солиш, давлат иштирокидаги корхоналар бошқарув органларининг бу борадаги масъулиятини ошириш, мамлакатнинг макроиқтисодий барқарорлиги учун юзага келиши мумкин бўлган фискал хатарларни пасайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Қуйидагилар:

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ давлат иштирокидаги корхоналар томонидан ташқи қарз жалб этилиши уларнинг бошқарув органлари (ижроия органи, кузатув кенгаши, акциядорлар (иштирокчилар, муассис) умумий йиғилиши) қарорлари асосида мустақил равишда амалга оширилиши;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат харидлари шаффофлигини таъминлаш ва самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 2 июлдаги ПҚ-5171-сон қарорига мувофиқ корпоратив буюртмачилар томонидан ташқи қарзлар жалб қилинишини назорат қилиш Давлат харидлари очиқ ва шаффоф амалга оширилишини таъминлаш бўйича республика комиссиясининг (кейинги ўринларда – Республика комиссияси) асосий вазифаларидан бири этиб белгиланганлиги;

Халқаро валюта жамғармасининг техник кўмаги доирасида давлат иштирокидаги корхоналарни, уларнинг молиявий ҳолатидан келиб чиқиб, хатарлар даражаларига таснифлаш таклифи ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2022 йил 1 майдан бошлаб, 1-иловадаги давлат унитар корхоналари ва устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари, шунингдек, устав капиталининг 50 фоизи ва ундан ортиқ миқдорда давлат улушкига эга юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахслар (кейинги ўринларда – давлат иштирокидаги корхоналар) томонидан ташқи

қарзларни жалб қилиш, улардан фойдаланиш ва уларнинг миқдорини мақбуллаштириш устидан назорат қилишнинг қуидаги механизми жорий этилсин:

а) ташқи қарзларни жалб қилиш ва ташқи қарзга хизмат кўрсатишини тартибга солиш мақсадида давлат иштирокидаги корхоналар, молиявий ҳолатига кўра, “**паст хатарли**”, “**ўрта хатарли**” ва “**юқори хатарли**” тоифаларига автоматик тарзда тоифаланади;

б) ташқи қарз қуидаги ҳолларда **Республика комиссияси рухсати асосида** жалб этилади:

“**юқори хатарли**” тоифасига кирадиган давлат иштирокидаги корхоналар учун – ташқи қарз **миқдоридан қатъи назар**;

“**ўрта хатарли**” тоифасига кирадиган давлат иштирокидаги корхоналар учун – ташқи қарз **20 млн АҚШ долларидан** ортиқ миқдорда бўлганда;

в) ташқи қарз қуидаги ҳолларда **Республика комиссиясини хабардор қилган ҳолда** жалб этилади:

“**паст хатарли**” тоифасига кирадиган давлат иштирокидаги корхоналар учун – ташқи қарз **миқдоридан қатъи назар**;

“**ўрта хатарли**” тоифасига кирадиган давлат иштирокидаги корхоналар учун – ташқи қарз **20 млн АҚШ доллари** ва ундан кам миқдорда бўлганда;

г) жалб этиладиган ташқи қарз миқдори давлат иштирокидаги **корхоналарнинг бизнес-режасида акс эттирилади**.

3. Белгилансинки:

давлат иштирокидаги корхоналарнинг жалб қилинадиган **ташқи қарзга хизмат кўрсатиш харажатлари** (фоиз ставкаси, комиссия ва бошқа тўловлар йиғиндиси)нинг юқори чегараси Республика комиссияси томонидан ҳар чоракда белгилаб борилади ва ундан ошмаслиги таъминланади. Бунда, жалб қилинадиган **ташқи қарзга хизмат кўрсатиш харажатларининг белгиланган юқори чегарадан ошишига фақат Республика комиссиясининг рухсати билан йўл қўйилади;**

давлат иштирокидаги корхоналарнинг йил якуни бўйича молия-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш **халқаро аудиторлик тармоқларига ва халқаро уюшмаларига аъзо бўлган аудиторлик ташкилотлари томонидан амалга оширилади**, бундан мазкур қарор қабул қилинган санадан олдин танлаб олинган аудиторлик ташкилотлари мустасно;

қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, давлат иштирокидаги корхоналарнинг ташқи қарзлар ҳисобидан молиялаштириладиган **лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосларини ва бошқа ҳужжатларини ваколатли органларда экспертизадан ўтказиш** мазкур қарорга мувофиқ Республика комиссиясининг ижобий хулосаси ёки унинг хабардор қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилгандан кейин **амалга оширилади**;

давлат иштирокидаги корхоналарнинг ташқи қарз ҳисобидан молиялаштириладиган лойихалари, ташқи қарз битимлари бўйича мажбуриятларининг бажарилиши билан боғлиқ бўлган тегишли маълумотлари ҳар чорак якуни билан Молия вазирлигига тақдим этилади;

давлат иштирокидаги корхоналар томонидан амалдаги ташқи қарз битимларининг молиявий шартлари (ковенантлари) бузилган ҳолларда, улар бартараф этилгунча ташқи қарзларни жалб қилиш фақатгина Республика комиссиясининг рухсати билан амалга оширилади.

4. Давлат активларини бошқариш агентлиги Молия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда:

Давлат активларини бошқариш агентлигининг ахборот тизимида давлат иштирокидаги корхоналарнинг хатар даражасини автоматик тарзда аниқлаш имкониятини яратиш;

давлат иштирокидаги корхоналарнинг хатар даражаси тўғрисидаги маълумотлардан Молия вазирлиги томонидан фойдаланиш имкониятини кўзда тутишни таъминласин.

5. Молия вазирлиги ҳар чоракда Республика комиссиясига:

давлат иштирокидаги корхоналарнинг янги жалб қилинган ташқи қарз бўйича ташқи қарз битимларининг молиявий шартларига (ковенантларига) риоя этилиши юзасидан таҳлилий маълумотлар;

давлат иштирокидаги корхоналар томонидан жалб қилинган янги ташқи қарз, унинг ҳисобига молиялаштирилган лойиха ва кредит линиялари тўғрисида таҳлилий маълумотлар киритиб борсин.

6. Давлат иштирокидаги корхоналар томонидан ташқи қарзларни жалб қилиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда давлат иштирокидаги корхоналар уставлари ва ички хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришлар белгиланган тартибда киритилишини таъминласин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Кўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси молия вазири Т.А. Ишметов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “9” мартағи 107-сон қарорига
1-илова

**Ташқи қарзларни жалб қилиш, улардан фойдаланиш
ва уларнинг микдорини мақбуллаштириш устидан назорат
қилинадиган давлат иштирокидаги корхоналар
РҮЙХАТИ**

Т/р	Давлат иштирокидаги корхоналар номи	Давлат улуши
1.	“Навоийурен” ДК	100,0
2.	“Навоий КМК” АЖ	100,0
3.	“Олмалиқ КМК” АЖ	97,5
4.	“Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ	81,6
5.	“Иссиқлик электр станциялари” АЖ ва унинг таркибидаги ташкилотлар*	100,0
6.	“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ	100,0
7.	“Худудий электр тармоқлари” АЖ ва унинг таркибидаги ташкилотлар*	99,6
8.	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ	100,0
9.	“Ўзбекнефтгаз” АЖ ва унинг таркибидаги ташкилотлар*	99,9
10.	“Ўзтрансгаз” АЖ ва унинг таркибидаги ташкилотлар*	99,5
11.	“Худудгастантаъминот” АЖ ва унинг таркибидаги ташкилотлар*	100,0
12.	“Uzbekistan airways” АЖ	100,0
13.	“Uzbekistan airports” АЖ	100,0
14.	“Ўзаэронавигация маркази” ДУК	100,0
15.	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ	100,0
16.	“Тошкент метрополитени” ДУК	100,0
17.	“Тошхаҳартрансхизмат” АЖ	100,0
18.	“Ўзкимёсаноат” АЖ ва унинг таркибидаги ташкилотлар*	100,0
19.	“Фарғонааазот” АЖ**	99,0
20.	“Ўздонмаксулот” АЖ	100,0
21.	“Махсустранс ИЧБ” ДУК	100,0
22.	“Ўзбектелеком” АЖ	94,1
23.	“Ўзбекистон почтаси” АЖ	77,6
24.	“Ангрен иссиқлик электр станцияси” АЖ	99,0
25.	“Янги Ангрен иссиқлик электр станцияси” АЖ	99,6

T/p	Давлат иштирокидаги корхоналар номи	Давлат улуши
26.	“Ўзбеккўмир” АЖ	97,9
27.	“Ўзсувтъминот”АЖ	100,0
28.	“Ўзатосаноат” АЖ ва унинг таркибидаги ташкилотлар***	100,0

* устав фондининг (капиталининг) 50 фоизи ва ундан ортиги 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улушига эга юридик шахсга тегишили бўлган юридик шахслар киритилади;

** давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган корхоналарга тегишили улуши ҳам акс эттирилган;

*** устав фондининг (капиталининг) 50 фоизи ва ундан ортиги 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улушига эга юридик шахсга тегишили бўлган юридик шахслар ҳамда уиб юридик шахсларнинг улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган ташкилотлар киритилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “9” марта 107-сон қарорига
2-илова

**Давлат иштирокидаги корхоналар томонидан ташқи қарзларни жалб
қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан белгиланган давлат иштирокидаги корхоналар ва уларнинг таркибидаги ташкилотлар (кейинги ўринларда – давлат иштирокидаги корхоналар) томонидан ташқи қарзларни жалб қилиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда куйидаги тушунчалар қўлланилади:

давлат иштирокидаги корхонанинг ташқи қарзи – давлат иштирокидаги корхонанинг хориждан маблағ жалб қилиши натижасида юзага келган мажбуриятлари йифиндиси;

ишчи орган – Молия вазирлиги;

лойиҳа – иқтисодий, ижтимоий ва бошқа фойда олиш учун ўзаро боғлиқ бўлган тадбирлар мажмуи;

лойиҳа бўйича ташаббускорлар – лойиҳа, қайта молиялаштириш ёки кредит линияни жалб қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқувчи ҳамда уни амалга оширувчи давлат иштирокидаги корхоналар;

лойиҳа концепцияси (паспорти) – лойиҳанинг номи, мазмуни, иштирокчилари, мақсади, амалга ошириш муддатлари, қиймати, молиялаштириш манбалари, лойиҳанинг техник-иктисодий асослари мавжудлигини, самарадорлиги ва кутилаётган натижаларни ўз ичига оловчи хужжат;

Республика комиссияси – Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат харидлари шаффоғлигини таъминлаш ва самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 2 июлдаги ПҚ-5171-сон қарорига мувофиқ тузилган Давлат харидлари очиқ ва шаффоғ амалга оширилишини таъминлаш бўйича республика комиссияси.

2-боб. Давлат иштирокидаги корхоналар томонидан ташқи қарзларни жалб қилиш ва хатарларни аниқлаш тартиби

3. Давлат иштирокидаги корхоналар томонидан ташқи қарзларни жалб қилиш корхонанинг молиявий ҳолати бўйича хатарлар даражасидан келиб чиқиб, ушбу низомга 1-иловадаги схемага мувофиқ Республика комиссияси рухсати билан ёки уни хабардор қилган ҳолда амалга оширилади.

4. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг молиявий ҳолати бўйича хатарлар даражаси ушбу корхоналар томонидан тақдим этиладиган маълумотлардан келиб чиқиб, ушбу Низомга 2 ва 3-иловаларга асосан Давлат активларини бошқариш агентлигининг ахборот тизимида автоматик тарзда “паст хатарли”, “ўрта хатарли” ва “юқори хатарли” деб тоифаланади.

Бунда, ушбу маълумотлар ёки уларнинг бир қисми Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан Давлат солик қўмитасидан идоралараро электрон ҳужжат айланиши воситасида олинади.

5. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг молиявий ҳолати бўйича хатарлар даражаси тўғрисидаги маълумот корхоналардан Давлат активларини бошқариш агентлигининг ахборот тизимида очиладиган уларнинг шахсий кабинети орқали олинади.

6. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг хатарлар даражаси 100 баллик рейтинг тизимида баҳоланади. Бунда, давлат иштирокидаги корхоналар рейтинг натижаси 60 баллдан паст бўлганда хатар даражаси – “юқори хатарли”, 60 баллдан 80 баллгача бўлганда – “ўрта хатарли” ва 80 баллдан 100 баллгача бўлганда – “паст хатарли” деб тоифаланади.

7. Давлат иштирокидаги корхоналар томонидан:

хатар даражаси “юқори хатарли” бўлганда миқдоридан қатъи назар, “ўрта хатарли” бўлганда ташқи қарз миқдори 20 млн АҚШ долларидан ошган ҳолатда ташқи қарзлар Республика комиссияси рухсати асосида;

хатар даражаси “паст хатарли” бўлганда ташқи қарз миқдоридан қатъи назар, хатар даражаси “ўрта хатарли” бўлганда эса ташқи қарз миқдорининг 20 млн АҚШ доллари ва ундан кам бўлганда ташқи қарз Республика комиссиясини хабардор (бошқарув органи қарор қабул қилингандан сўнг 5 иш кунида) қилиган ҳолда жалб қилинади.

8. Мазкур низомнинг 7-банди учинчи хатбоしさига мувофиқ бўлган давлат иштирокидаги корхоналар жалб этиладиган ташқи қарз суммаси, уни жалб қилиш шартлари ва ишлатиш мақсадлари тўғрисидаги маълумотни уни жалб қилиш тўғрисида бошқарув органи қарор қабул қилинган санадан бошлаб 5 иш кунида кейинчалик Республика комиссиясини хабардор қилиш учун Ишчи органга тақдим этилади.

3-боб. Давлат иштирокидаги корхоналар томонидан ташқи қарзни жалб қилишда Республика комиссияси рухсатини олиш тартиби

9. Мазкур низомнинг 7-банди иккинчи хатбоしさига мувофиқ бўлган давлат иштирокидаги корхоналар ташқи қарзларни жалб қилишда Ишчи органга ташқи қарзларни жалб қилиш тўғрисида аризани куйидаги ҳужжатларни илова қилиган ҳолда тақдим этади:

ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ лойиҳа концепцияси (паспорти);

ҳисобот йили якуни бўйича аудиторлик ташкилоти хulosаси нусхаси;

ташқи қарз маблағларини жалб қилиш түғрисидаги тегишли бошқарув органининг қарори;

Ишчи орган сўровига мувофиқ корхонанинг молиявий ҳолатига боғлик бошқа маълумотлар (жумладан, молиявий моделлар).

10. Ишчи орган аризани кўриб чиқиб, кўриб чиқиш натижасига кўра:

а) ушбу низомнинг 9-бандида назарда тутилган ҳужжатлар тўлиқ бўлмаганда ёки қўшимча ҳужжатларни ўрганиш талаб этилганда бу түғрисида 2 иш куни ичидаги давлат иштирокидаги корхонани хабардор қилади;

б) ҳужжатлар тўлиқ бўлганда 10 иш кунида тегишли ҳужжатларни Республика комиссиясига киритади.

11. Ишчи орган куйидаги ҳолларда давлат иштирокидаги корхоналар томонидан ташқи қарзларнинг жалб қилинишини Республика комиссиясига киритмаган ҳолда рад этиши мумкин:

охирги 12 ой давомида давлат иштирокидаги корхонанинг давлат томонидан кафолатланган ёки кафолатланмаган кредитлари бўйича ёки Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети олдида муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлса;

давлат иштирокидаги корхонанинг охирги ҳисобот йили учун молиявий ҳисоботининг ишончлилиги ва бухгалтерия ҳисоби түғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлиги түғрисида аудиторлик хulosasi мавжуд бўлмаганда ёки салбий хulosaga мавжуд бўлганда.

Ишчи орган давлат иштирокидаги корхоналар томонидан ташқи қарзларнинг жалб қилинишини Республика комиссиясига киритмаган ҳолда рад этилганлиги түғрисида давлат иштирокидаги корхонани хабардор қилади.

12. Давлат иштирокидаги корхоналар түғрисидаги ташқи қарзни жалб қилиш билан боғлик ҳужжатлар, жумладан лойиха ва таҳлилий маълумотлар Ишчи орган томонидан Республика комиссиясига киритилади ва мажлис ўтказиладиган кун ҳакида давлат иштирокидаги корхоналар ва Республика комиссияси аъзоларини хабардор қилади.

13. Республика комиссияси ташқи қарзни жалб қилиш бўйича давлат иштирокидаги корхоналарнинг ҳужжатлари ва лойиҳаларини кўриб чиқиб, давлат иштирокидаги корхоналар томонидан жалб этиладиган маблағларни қайтармаслик хавфи юқори бўлганда ёки лойиҳанинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаганда ташқи қарзни жалб қилишни рад этиш түғрисида қарор қабул қилади.

14. Республика комиссияси лойиҳаларни кўриб чиқишида куйидаги устувор мақсадлардан келиб чиқиб ташқи қарзни жалб қилиш мақсадга мувофиқлиги түғрисида қарор қабул қилиши мумкин:

ижтимоий-иктисодий, стратегик аҳамияти ҳамда натижадорлиги ва ўз-ўзини оқлаши;

лойиҳаларнинг техник-иктисодий асослари мавжудлиги;
ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириши;
давлат иштирокидаги корхоналар томонидан ташқи қарзлар ҳисобидан
молиялаштирилган лойиҳа ёки кредит линияларнинг натижалари.

15. Республика комиссияси давлат иштирокидаги корхоналар
тomonидан тақдим этилган ташқи қарз маблағлари ҳисобидан
молиялаштириладиган лойиҳа ҳужжатларни кўриб чикиб, рухсат бериш ёки
рад этиш тўғрисида қарорни қабул қиласди.

16. Республика комиссияси баёни Ишчи орган томонидан тайёрланади
ва имзолангандан кейин 1 иш кунида давлат иштирокидаги корхоналарга
етказилади.

17. Республика комиссияси лойиҳаларнинг умумий қийматига
ўзгартириш киритиш ҳукуқига эга.

4-боб. Ташқи қарзни жалб қилган давлат иштирокидаги корхоналар фаолияти ва ҳолатини мониторинг қилиш

18.. Ташқи қарз жалб қилингандан сўнг давлат иштирокидаги
корхоналар Ишчи органга ҳар чорак якун билан 30 кун ичida, йил якунлари
бўйича кейинги молия йилининг 25 февраляга қадар қуйидаги ҳужжатларни
тақдим этади:

ложиҳа доирасида ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишларнинг
натижадорлиги ва истиқболда амалга ошириладиган режалар бўйича
маълумот;

жалб қилинган барча қарз битимлари, жумладан, ташқи ва ички
қарзлари хорижий ва миллий валюталарда, асосий қарз (қолдиги)
ва фоиз тўловлари, шунингдек, муддати ўтган тўловлар кесимида
маълумотлар ҳамда улар бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши билан
боғлиқ бўлган маълумотлар;

зарур ҳолларда Ишчи органининг сўрови асосида янги жалб қилинган
ташқи қарз ҳисобидан молиялаштирилган лойиҳа самарадорлигининг
мониторингини олиб бориш учун талаб этиладиган бошқа маълумотлар.

5-боб. Республика комиссияси ва Ишчи органнинг вазифалари

19. Республика комиссияси қуйидаги вазифаларни бажаради:

ушбу Низомда белгиланган ҳолларда жалб қилинаётган ташқи қарз
ҳисобидан молиялаштирилиши таклиф этилаётган лойиҳа
ташаббускорларининг тақдимотларини кўриб чиқади;

давлат иштирокидаги корхоналар томонидан ташқи қарзни жалб
қилишни маъқуллаш ёки рад этиш бўйича қарорлар қабул қиласди;

давлат иштирокидаги корхоналар томонидан молиялаштирилган лойиха натижадорлигини назорат қиласы, тегишли корхоналарнинг бу борадаги ҳисоботларини эшитади;

ташқи қарзни жалб қилишнинг мақбул молиявий шартлари миқдорларини тасдиқлади;

давлат иштирокидаги корхоналар томонидан жалб қилинаётган ташқи қарзга доир масалаларни ҳар чоракда камида бир марта кўриб чиқади.

20. Ишчи орган қуидагилар вазифаларни бажаради:

давлат иштирокидаги корхоналардан ташқи қарз ҳисобидан молиялаштирилиши таклиф этилаётган лойиха бўйича тегишли маълумотларни ушбу Низом доирасида қабул қилиб олади;

ташқи қарзни жалб қилиш учун мурожаат қилган давлат иштирокидаги корхоналар ҳолатини таҳлил қиласы ва тегишли таклиф ишлаб чиқади;

давлат иштирокидаги корхоналарнинг молиявий ҳолати бўйича хатарлар даражасини инобатга олган ҳолда улар томонидан ташқи қарзни жалб қилиш ҳажмларининг юқори миқдорини белгилаш бўйича таклифларни Республика комиссиясига киритади;

Республика комиссияси томонидан тасдиқланган ташқи қарзни жалб қилишнинг молиявий шартлари ва қарз юки юқори миқдорларини давлат иштирокидаги корхоналарга етказади;

Республика комиссияси қун тартибига давлат иштирокидаги корхоналарнинг ташқи қарз ҳисобидан молиялаштириладиган лойихага доир масалаларини кўриб чиқиш бўйича таклифлар киритади, иштирокчиларни йиғилиш ўтказиш қуни ҳақида хабардор қиласы, лойиха ташаббускорлари томонидан тақдимотлар ўтказилишини ташкил этади, мажлис баённомалари лойихасини тайёрлайди;

Республика комиссиясининг баённомаларини ижро этиш учун тегишли давлат иштирокидаги корхоналарга юборади, уларнинг бажарилишини назорат қиласы ва Республика комиссиясига ҳар чоракда камида бир марта ахборот киритиб боради;

ҳар чоракда камида бир марта Республика комиссиясига қабул қилинган қарорларнинг ижроси бўйича ахборот тақдим этади;

ташқи қарз жалб қилишда давлат иштирокидаги корхоналар томонидан Республика комиссиясими хабардор қилиш учун тақдим этилган маълумотларни 10 иш кунида Республика комиссиясининг навбатдаги йиғилишига маълумот учун киритиб боради;

давлат иштирокидаги корхоналар томонидан ташқи қарзни жалб қилиш бўйича Республика комиссияси рухсатини олиш учун тақдим этилган хужжатларни 15 иш кунида Республика комиссиясига киритади;

давлат иштирокидаги корхоналар томонидан жалб қилинган ташқи қарз ҳисобига молиялаштирилган лойиҳанинг натижадорлиги, уларнинг ўз-ўзини оқлаши бўйича таҳлиллар ҳамда ва мажбуриятларнинг бажарилиши билан боғлиқ бўлган бошқа маълумотлар тақдим этилгандан сўнг 10 иш кунида маълумотларни умумлаштирган ҳолда Республика комиссиясига ахборот киритади;

ташқи қарз жалб қилиш бўйича давлат иштирокидаги корхоналар учун турли халқаро кредит рейтинглар ва муддатлар кесимида халқаро молиявий бозорлар ҳолатидан келиб чиқиб АҚШ доллари, евро, йен, юань ва Россия рублида ташқи қарзни жалб қилишнинг мақбул молиявий шартлари тўғрисидаги маълумотларни ҳар ойда Республика комиссиясига тасдиқлаш учун киритади;

давлат иштирокидаги корхоналар томонидан ташқи қарз битимларининг молиявий шартлари (ковенантлари)га риоя этилишини мониторинг қилади ва Республика комиссиясига ҳар чоракда ахборот киритиб боради;

давлат иштирокидаги корхоналар бўйича хатарлар таҳлилини доимий янгилаб боради ва улар бўйича ягона маълумотлар базасини яратади.

6-боб. Якунловчи қоидалар

21. Ташқи қарзлар ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳаларга ўзгартириш киритиш юқорида кўрсатиб ўтилган тартибда амалга оширилади.

22. Давлат иштирокидаги корхоналар ушбу Низомга мувофиқ уларнинг хатарлар даражасини ҳисоблашда фойдаланиладиган ҳисботларни (маълумотларни) ҳар чорак якунлари бўйича кейинги ой давомида, йил якунлари бўйича кейинги молия йилининг 25 февраляга қадар электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда Давлат активларини бошқариш агентлигининг махсус ахборот тизимида жойлаштириб боради.

23. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Давлат иштирокидаги корхоналар томонидан
ташқи қарзларни жалб қилиш тартиби
түғрисидаги низомга
1-илова

**Давлат иштирокидаги корхоналар томонидан
ташқи қарзларни жалб қилиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич Хатарлар даражасини аңиқлаш	Давлат иштирокидаги корхоналар, Давлат активларини бошқариш агентлиги	Давлат иштирокидаги корхоналарнинг молиявий ҳолати бўйича хатарлар даражаси ушбу корхоналар томонидан тақдим этиладиган маълумотлардан келиб чиқиб, Давлат активларини бошқариш агентлигининг ахборот тизимида автоматик тарзда “паст хатарли”, “ўрта хатарли” ва “юқори хатарли” деб тоифаланади.	ҳар чоракда чорак тугаганидан кейин бир ой ичида, йил якунлари бўйича кейинги молия йилининг 25 февраляга қадар
2-босқич Ташқи қарзни жалб этиш түғрисида хабардор қилиш	Давлат иштирокидаги корхоналар (<i>паст хатарли</i>) Молия вазирлиги	1. Жалб этиладиган ташқи қарз суммаси, уни жалб қилиш шартлари ва ишлатиш мақсадлари түғрисидаги маълумотни Молия вазирлигига (кейинги ўринларда Ишчи орган) Республика комиссиясини хабардор қилиш учун тақдим этиш. 2. Тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиши ва Республика комиссиясининг навбатдаги йиғилишига маълумот учун киритиш.	бошқарув органи қарор қабул қилгандан сўнг 5 иш кунида 10 иш кунида
3-босқич Ташқи қарзни жалб этишга рухсат олиш	Давлат иштирокидаги корхоналар (<i>ўрта ва юқори хатарли</i>) Молия вазирлиги	1. Ишчи органга ташқи қарзни жалб қилиш бўйича тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза тақдим этиш. 2. Аризани кўриб чиқиб, кўриб чиқиши натижасига кўра: а) ҳужжатлар тўлиқ бўлмаганда ёки қўшимча ҳужжатларни ўрганиш талаб этилганда бу түғрисида давлат иштирокидаги корхонани хабардор қилиши;	ташқи қарз маблағларини жалб қилиш түғрисидаги тегишли бошқарув органининг қарори қабул қилингандан сўнг хужжатлар тақдим этилгандан сўнг 2 иш кунида

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
	Республика комиссияси Молия вазирлиги	<p>б) давлат иштирокидаги корхоналар томонидан ташқи қарзларнинг жалб қилинишини Республика комиссиясига киритмаган ҳолда рад этиш;</p> <p>в) хужжатлар тўпламини Республика комиссиясига киритиши.</p> <p>3. Ташқи қарзни жалб қилишга рухсат бериш ёки рад қилиш тўғрисида (қайтармаслик хавфи мавжуд бўлган ёки лойиха иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаганда) қарор қабул қилиш.</p> <p>4. Комиссия қарорини давлат иштирокидаги корхоналарга етказиши.</p>	хужжатлар тақдим этилгандан сўнг 10 иш кунида Республика комиссиясининг навбатдаги йиғилишида (ҳар чоракда камидар бир марта) 1 иш кунида
4-босқич Жалб килинган ташқи қарз мониторинги	Давлат иштирокидаги корхоналар Молия вазирлиги Республика комиссияси	<p>1. Ташқи қарз жалб қилиш лойихаси доирасида ўтган давр мобайнинда амалга оширилган ишларнинг натижадорлиги ҳамда мажбуриятларнинг бажарилиши билан боғлиқ бўлган бошқа маълумотларни Ишчи органга тақдим этиш.</p> <p>2. Давлат иштирокидаги корхоналар томонидан ташқи қарз маблағларининг натижадорлиги ва улардан самарали фойдаланиш, лойиҳаларни ўз-ўзини оқлаши бўйича таҳлиллар ва уларнинг натижаси бўйича тақдим этилган маълумотларни умумлаштирган ҳолда Республика комиссиясига ахборот киритиши.</p> <p>3. Ташқи қарз маблағларидан фойдаланиш натижадорлигини қўриб чиқади ва бу борада тегишли давлат иштирокидаги корхонанинг хисботини эшитади.</p>	ҳар чоракда чорак якунлангандан кейин 30 кун ичидан, йил якунлари бўйича кейинги молия йилининг 25 февраляга қадар ҳар чоракда, маълумотлар тақдим этилгандан сўнг 10 иш кунида хисботларнинг тақдим этилишига кўра

Давлат иштирокидаги корхоналар томонидан
ташқи қарзларни жалб қилиш тартиби
тұғрисидаги низомга
2-илова

**Давлат иштирокидаги корхоналар томонидан ташқи қарзларни жалб
қилишда хатарларни аниқлаш бүйича күрсаткичларни ҳисоблаш
формулалари**

Күрсаткичлар	Ҳисоблаш формуласи
I. Ликвидлик күрсаткичлари	
Жорий ликвидлик даражаси	$\frac{\text{жорий активлар}}{\text{жорий мажбуриятлар}}$
Тез ликвидлик даражаси	$\frac{(\text{жорий активлар} - \text{товар моддий захиралар})}{\text{жорий мажбуриятлар}}$
Кунлик кредитор қарзлар айланмаси	$\frac{(\text{мол етказиб берувчилик ва пурратчиларолдиғаги қарздорлик}^*365)}{\text{сотилған маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларнингтаннархи}}$
Кунлик дебитор қарзлар айланмаси	$\frac{(\text{харидор ва буюртмачиларнинг қарзи}^*365)}{(\text{маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотищдансоғ тушум + асосий фаолиятнинг бошқадаромадлари})}$
II. Тұлов қобилияты күрсаткичлари	
Қарз (мажбуриятлар)нинг капиталға нисбати	$\frac{\text{жами мажбуриятлар}^*}{\text{жами ўз маблағлари}}$
Қарз (мажбуриятлар)нинг активларға нисбати	$\frac{\text{жами мажбуриятлар}^*}{\text{жами активлар}}$
Мажбуриятларнинг EBITDAға нисбати	$\frac{\text{жами мажбуриятлар(соғ фойда (зарар) + фойда солиги + фоизларшаклидаги харажатлар + асосий воситаларэскириши ўзгариши + номоддий активларамортизация суммаси ўзгариши)}}{(соғ фойда (зарар) + фойда солиги + фоизларшаклидаги харажатлар + асосий воситаларэскириши ўзгариши + номоддий активларамортизация суммаси ўзгариши)}$
EBITDAнинг қарз тұловларига нисбати	$\frac{(\text{фоизлар шаклидаги қарз харажатлар} + \text{қарзнингасосий тұлови})}{(соғ фойда (зарар) + фойда солиги + фоизларшаклидаги харажатлар + асосий воситаларэскириши ўзгариши + номоддий активларамортизация суммаси ўзгариши)}$
Фоиз харажатларининг қопланиши	$\frac{(\text{соғ фойда (зарар) + фойда солиги + фоизларшаклидаги харажатлар})}{\text{фоизлар шаклидаги харажатлар}}$

III. Даромадлик күрсаткичлари

Соф фойда маржаси %	<u>соф фойда (зарар)</u> (маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум + асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари)
Операцион фойда маржаси %	<u>(соф фойда (зарар) + фойда солиги + фоизлар шаклидаги харажатлар)</u> (маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум + асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари)
Айланма маблағларнинг рентабеллиги %	<u>(соф фойда (зарар) + фойда солиги + фоизлар шаклидаги харажатлар + асосий воситалар эскириши ўзгариши + номоддий активлар амортизация суммаси ўзгариши)</u> (жорий активлар - жорий мажбуриятлар)
Активларнинг рентабеллиги %	<u>соф фойда (зарар)</u> жами активлар
Капиталнинг рентабеллиги %	<u>соф фойда (зарар)</u> жами ўз маблағлари
Харажатларнинг қопланиши	<u>(маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум + асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари)</u> <u>(сотилган маҳсулот(товар, иш ва хизмат)ларнинг таннахии + бошқа операцион харажатлар)</u>

IV. Ташқи қарзга боғлиқ күрсаткичлари

Ташқи қарзнинг мажбуриятларга нисбати	<u>жами ташқи қарз*</u> <u>жами мажбуриятлар*</u>
Хорижий валютадаги ташқи қарзнинг жами қарзга нисбати	<u>хорижий валютадаги ташқи қарз</u> жами қарз

* Жалб қилинини кўзда тутилган ташқи қарзларни ҳам ўз ичига олади.

Давлат иштирокидаги корхоналар
томонидан ташқи қарзларни жалб қилиш
тартиби түғрисидаги низомга
3-илова

Давлат иштирокидаги корхоналар томонидан ташқи қарзларни жалб қилишда хатарларни баҳолаш тизими

3.1.	Соф фойда маржаси %	4,0 дан паст	0	4,0 – 8,0	3,0	8,0 – 10,0	4,0	10,0 дан юқори	5,0
3.2.	Операцион фойда маржаси %	5,0 дан паст	0	5,0 – 10,0	3,0	10,0 – 12,5	4,0	12,5 дан юқори	5,0
3.3.	Айланма маблағларнинг рентабеллиги %	10,0 дан паст	0	10,0 – 15,0	3,0	15,0 – 17,5	4,0	17,5 дан юқори	5,0
3.4.	Активларнинг рентабеллиги %	0,0 дан паст	0	0,0 – 4,0	3,0	4,0 – 6,0	4,0	6,0 дан юқори	5,0
3.5.	Капиталнинг рентабеллиги %	0,0 дан паст	0	0,0 – 8,0	3,0	8,0 – 11,5	4,0	11,5 дан юқори	5,0
3.6.	Харажатлар қопланиши	1,0 дан паст	0	1,0 – 1,25	3,0	1,25 – 1,35	4,0	1,35 дан юқори	5,0
IV. Ташқи қарзга боғлиқлик									
4.1.	Ташқи қарзнинг мажбуриятларга нисбати*	0,4 дан юқори	0	0,3 – 0,4	6,0	0,30 – 0,25	8,0	0,25 дан паст	10,0
4.2.	Хорижий валютадаги ташқи қарзнинг жами қарзга нисбати	0,4 дан юқори	0	0,3 – 0,4	6,0	0,3 – 0,2	8,0	0,2 дан паст	10,0
Жами баллар			0		60,0		80,0		100,0

Изоҳ: * Жалб қилиншии кўзда тутилган ташқи қарзларни ўз ичига олади.

Республика комиссияси ушибу хатарларни баҳолаши тизими кўрсаткичлари ва балларини ўзгартириши мумкин.

Давлат иштирокидаги корхоналарнинг хатарлар даражаси 100 баллук рейтинг тизимида баҳоланади.

Бунда, давлат иштирокидаги корхоналар рейтинг натижалари қўйидагича тоифаланади:

60 баллдан паст бўлганда хатар даражаси – “юқори хатарли”;

60 баллдан 80 баллгача бўлганда – “ўрта хатарли”;

80 баллдан 100 баллгача бўлганда – “паст хатарли”.

Давлат иштирокидаги корхоналар томонидан
ташқи қарзларни жалб қилиш тартиби
түғрисидаги низомга
4-илова

Давлат иштирокидаги корхоналар томонидан жалб қилинаётган ташқи қарз лойиҳаларининг концепцияси (паспорти) шакли

I. Лойиҳанинг тавсифи

Лойиҳанинг номи:

Тармоқ номи:

Лойиҳа тури:

(Лойиҳа доирасида янгидан қуриши,
реконструкция қилиши ва бошқа
турдаги ишлар кўзда тутмилган)

Кредитор номи:

(Кредитор ҳақида тўлиқ маълумот)

Давлат иштирокидаги корхона:

Лойиҳа амалга ошириладиган жой
(вилоят, туман, шаҳар):

II. Бошқарув органи хulosаси

Хулоса, давлат иштирокидаги корхоналарнинг молиявий қўрсаткичлари, кредиторлар танлови натижалари, ташқи аудит хулосаси, қарз жалб этиш бўйича топширик мавжудлиги, хатарлар таҳлили ҳақидаги батафсил маълумот ва тасдиқловчи хужжатлар илова қилинади.

III. Лойиҳанинг молиявий-иктисодий қўрсаткичлари бўйича маълумот

Кўшимча маълумотлар

1.	a)	Лойиҳанинг ТИА/ТИҲҚ мавжудлиги: Ха <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/> Агар “Ха” жавобини белгилаган бўлсангиз, тасдиқловчи хужжатларни тақдим этинг.
2.	б)	Лойиҳа қўйидагилардан бирига киритилган бўлса: Инвестиция дастури <input type="checkbox"/> Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони ёки қарори/ Вазирлар Маҳкамаси қарори <input type="checkbox"/>

Кўшимча маълумотлар

	Бошқа <input type="checkbox"/> Батафсил маълумотлар ҳамда тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг		
3.	a) Капитал қўйилмалар ва бошқа харажатлар суммаси (АҚШ долларида):	б) Эксплуатация харажатлари миқдори (АҚШ долларида):	в) Умумий харажатлар (АҚШ долларида):
	г) Давлат корхонасининг ташқи қарз юки ҳажми: -давлат кафолати остида ташқи қарзлари -давлат кафолатисиз ташқи қарз маблағлари	д) Лойиханинг иқтисодий яшаш муддати: _____ йил Аниқ маълумот бўлмаса, оралиқ муддатни белгиланг: <10 <input type="checkbox"/> 10-30 <input type="checkbox"/> >30 <input type="checkbox"/>	
4.	Хавф ёки хатарлар турлари		
	Лойихага тегишли хавф хатарлар Дизайн ва технологияларнинг эскириш хавфи Яширин нуқсон хавфи Ер сотиб олиш ва кўчириш билан боғлиқ хатарлар Молиявий хатарлар Курилиш билан боғлиқ хатар (аниқ бўлмаган) Курилиш билан боғлиқ хатар (аниқ бўлган) Ишга тушириш билан боғлиқ хатарлар Лойиха шартномаси тузулганидан кейинги лойихага киритиладиган ўзгаришлар Солиқ билан боғлиқ хатарлар Тарифларнинг ўзгаришига боғлиқ хатарлар Қонунчилик ҳужжатларидаги ўзгаришларнинг лойихага салбий таъсири хатарлари Лицензия, рухсатномалар кечикиши ёки берилмаслиги хатарлари		

Кўшимча маълумотлар

		Сиёсий бекарорлик хатарлари
		Таъмирлаш ва реконструкция қилишга оид хатарлар
		Карз маблағларини қайтарилимаслиги натижасида мулк мусодараси бўйича хатарлар
		Операцион хатарлар
		Экологик/ижтимоий хатар (эксплуатация билан боғлиқ)
		Оператив фаолият билан боғлиқ бўлган хатарлар
		Талаб билан боғлиқ хатарлар
		Бошқа
5.		<p>Ташаббус кўрсатилган лойиҳа бўйича ташқи қарзларнинг жалб этилиши иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилмавий вазифаларни/муаммоларни ҳал этишга қаратилганми?</p> <p>Ха <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/></p> <p>Агар “Ха” жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг:</p>
6.		<p>Ташаббус кўрсатилган лойиҳа доирасида илғор бошқарув тажрибасини жорий этиш назарда тутилганми?:</p> <p>Ха <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/></p> <p>Агар “Ха” жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг:</p>
7.		<p>Ташаббус кўрсатилган лойиҳа инновацион ёндашувни ўз ичига олганми ва тарафлар учун мақбул бўлган мутаносиб нафни таъминлаб бера оладими?</p> <p>Ха <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/></p> <p>Агар “Ха” жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг:</p>
8.		<p>Ташаббус кўрсатилган лойиҳа доирасида автоматлаштирилган электрон ҳисоб-китоблар ва ҳисботларни жорий этиш назарда тутилганми?</p> <p>Ха <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/></p> <p>Агар “Ха” жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг:</p>
9.		<p>Лойиҳани амалга ошириш учун ер участкасига зарурат борми?</p> <p>Ха <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/></p> <p>Агар “Ха” жавобини белгилаган бўлсангиз, керакли ер участкаси майдонини кўрсатинг (га.):</p>
10.	a)	<p>Лойиҳани амалга ошириш оқибатида ижтимоий муаммолар келиб чиқиш эҳтимоли мавжудми?</p>

Кўшимча маълумотлар

	<p>Ха <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/> Агар “Ха” жавобини белгилаган бўлсангиз, изоҳланг:</p> <p>Асослантириш учун тасдиқловчи хужжатларни тақдим этинг.</p> <p>б) Лойиҳани амалга ошириш оқибатида экологик муаммолар вужудга келиш эҳтимоли мавжудми?</p> <p>Ха <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/> Агар “Ха” жавобини белгилаган бўлсангиз, изоҳланг.</p> <p>Асослантириш учун тасдиқловчи хужжатларни тақдим этинг.</p>
11.	<p>Лойиҳани амалга оширилиши зарур бўлган кўшимча иш ҳамжларини кўрсатинг:</p> <p>Сув таъминоти обьектларини қуриш <input type="checkbox"/></p> <p>Газ таъминоти обьектларини қуриш <input type="checkbox"/></p> <p>Электр таъминоти қурилмаларига уланиш <input type="checkbox"/></p> <p>Кириш йўллари <input type="checkbox"/></p> <p>Транспорт боғланиши <input type="checkbox"/></p> <p>Бошка</p>

Ушбу билан шуни маълум қиласанки, мазкур лойиҳанинг концепцияси шаклида келтирилган маълумотлар ва тақдим этилган тасдиқловчи барча хужжатлар ҳақиқий ва тўғри ҳамда Кузатув кенгаши (акциядорлар, таъсисчилар умумий йиғилиши, муассис) томонидан маъқулланган.

Давлат иштирокидаги
корхона

(Биринчи раҳбар)

(Ф.И.О., имзо, ташкилот мухри)

Изоҳ: Ишчи орган аризани 5 иш кунида кўриб чиқиб, ҳуёжсатлар тўлиқ бўлмагандага ёки қўшиимча ҳуёжсатларни ўрганиши талаб этилганда бу тўғрисида 2 иш куни ичida давлат иштирокидаги корхонани хабардор қиласди.

